ПОЭТИК МАТННИ ЎРГАНИШДА ГЕРМЕНЕВТИКАНИНГ РОЛИ

О.Турсунова

Статья посвящена роли герменевтики в лингвистических исследованиях, в частности, в работах по лингвопоэтике.

This article deals with the role of germeneutics in the linguistic investigations, particularly in the works on linguapoetics.

Сўзнинг аташ, эмоционал-экспрессив, аксиологик, когофеник сингари функциялари нутқда воқеланади. Сўзнинг ана шундай функциялари воқеланган матн бадиий матн саналади.

Ҳар қандай ёзма манба (матн) иккиёқлама табиатга эга: бир томондан, у тил тизимига нисбатан қисм, иккинчи томондан, муайян бир индивиднинг ижод маҳсулидир. Шунинг учун герменевтика ол-

дида бир-бирига боғлиқ иккита вазифа туради: биринчиси - матндаги лисоний ифодани муайян тил тизимининг узви сифатида ўрганиш (“грамматик”талқин), иккинчиси – унинг ортида турган бетакрор маънони англаш (“психологик” талқин. [4.82.]

Ижтимоий тадқиқот соҳасида матн билан ишлаш асосий ўрин тутади.

Матннинг герменевтик концепцияси, асосан, XX асрда шаклланган «матн» тушунчасини филологик фалсафий жиҳатдан англаш билан боғлиқ.

Умуман олганда, поэтик нутқ қабул қилиш воситаси сифатида мавжуддир. Поэтик матн яратиш санъати, яъни муаллифнинг фаолияти герменевтиканинг баҳс мавзуи бўла олмайди. Гадамер учун матн – бу маълум вақт ва маконга оид бўлган тил шаклигина бўлмай, аниқ инсонга тегишли бўлган нутқий бирликдир.

Поэтик матн бир вақтнинг ўзида нутқнинг кишилар томонидан хоҳлаганча эркин талқин этилишга сабаб бўлади. Шу сабабли, герменевтиканинг вазифаси матнни нотўғри тушуниш ва нотўғри эшитишнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ҳолатларни, «матннинг нутқда нотўғри ифодаланишини»нг олдини олишдан иборатдир. Герменевтиканинг вазифаси тушуниш жараёнининг аниқ феноменологик таҳлилини беришдан иборат. Бундай талқин таҳлил жараёнида матндаги муҳим нуқталарни аниқлашга имкон бериши зарур.

Шарҳ ва таҳлил ҳам жараён, ҳам натижа сифатида намоён бўлади. Шарҳ бирор матнга мурожаат этишимиздан бошланади. Бу герменевтиканинг биринчи шарти ҳисобланади. Бу бошқача таҳлил ва ўзгача ёндашувни ҳам тан олиш демакдир.

Матнни тушуниш учун шарҳловчи ўзидан, ўзининг маълум ва мавжуд вазиятидан йироқлашиши керак эмас. Чунки унга берилган матн ҳамма учун умумий ва мажбурий ҳисобланмайди. Уни ана шундай қабул қилиш шарт эмас. Аксинча, у матннинг мазмуни ва аҳамиятини тушунишга интилади. У матнни шарҳлашни хоҳласа, уни мавжуд вазият билан боғлай олиши керак.

Герменевтика қуйидагилардан келиб чиқади:

1) шарҳловчи ўзини айтилаётган нарса билан боғлайди ёки матндаги унга мурожаат қилаётган анъана билан боғланади;

2) поэтик матннинг мазмунини идрок этишда ўқувчида аввалдан шаклланган билим заҳираси бўлмоғи лозим;

3) бадиий асарларни ўқиб тушуниш учун ундаги образлар, тасвирлар моҳияти, ёзувчи услуби ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, ўқувчи учун бундай бадиий асарнинг талқини мураккаб туюлади ва моҳиятан мавҳум бўлиб қолади. Масалан,

Мана,
Қодирийни қилишар сўроқ:
«Ўткан кунлар» деган шеър сизникими?
-Ҳа.
Аммо у шеър эмас…
-Жим бўлинг, ахир.
Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.
Таммом.
Бошқа гапга қолмайди ҳожат.
Терговчи-пайғамбар,
Терговчи-худо.
Темир зотдан келган буйруқ-ижозат,
Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.
(М.Юсуф.Қора қуёш, 213-б)

Кучли руҳий таъсирга эга бўлган юқоридаги парчанинг моҳияти матн қуршовида янада ойдинлашади. Мазкур шеърни тушуниш учун XX асрнинг тарихий-ижтимоий, сиёсий ҳаётидан бохабар бўлиш талаб этилади (хусусан, XXI аср ёш авлоди учун). Муаллифнинг бадиий матн орқали баён қилмоқчи бўлган фикрини тўғри тушуниш ва шарҳлашда герменевтика тадқиқотчига катта ёрдам бериши мумкин [4.82].

Герменевтиканинг асосий муаммоси – тўғри шарҳлашга эришиш. Унинг натижасида маълум ғоя пайдо бўлади. Бу ғоя «герменевтика доираси» [3.17] деб аталади.

Ф.Шлейермахер герменевтика доирасини матнни тушунишнинг тамойили деб қарайди. Бу тамойил, унинг фикрича, бутун ва қисмнинг алоқадорлигига асосланади. Чунки матнни тўлалигича тушунишга унинг қисмларини тушуниш орқали борилади ва аксинча. Матн муаллифнинг ижодига нисбатан қисм ҳисобланади. Унда бутунга хос бўлган барча хусусиятлар у ёки бу маънода акс этади. Демак, субъект (тадқиқотчи) матнни шарҳлашдан аввал матннинг мазмуни тўғрисида қандайдир маълумотга эга бўлади. Бундай маълумот турлича – оптимистик (кўтаринки), баъзан эса пессимистик (тушкун) руҳда бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам субъект матннинг мазмуни ва моҳиятидан кўпроқ ўзининг тасаввурига мос келувчи нарсани кутади. Масалан, диний муқаддас китобларнинг матнини ўрганишда субъект уни тушунишга киришишдан аввал ушбу китобларда ёзилган маълумотларнинг муқаддас ва ҳақиқат эканлигига ишонган ҳолда ёндашади. Ҳозирги замон герменевтикаси нуқтаи назаридан матннинг мазмунини тушунишдан аввал субъектнинг онгида доим «тушунишдан аввалги тасаввур» мавжуд.

Матнни шарҳлаш, талқин этиш жараёнидаги таҳлилни бирламчи тушуниш деб айтиш мумкин. Ушбу бирламчи таҳлил матнни ўрганиш ва уни талқин этишда алоҳида аҳамиятга эга. Бундай талқин субъектнинг ёндашуви, матннинг таҳлили ва у ҳақидаги фикрига, албатта, таъсир кўрсатади. Таҳлил натижаларининг қандай бўлиши баъзан ана шу бирламчи тушунишга боғлиқ бўлади. Унинг таъсири шу қадар кучли бўлиши мумкинки, у баъзан фик-

рни бутунлай қарама-қарши томонига олиб кетиши ва унга, умуман, бошқача моҳият берган тарзда йўналтириши мумкин. Бу нарса танлаб олинган тилнинг имкониятлари, ўзига хосликлари ва табиатидан келиб чиқиб, бизнинг хоҳиш ва иродамизга боғлиқ бўлмаган ҳолда юз бериши мумкин.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, интерпретация ёки тушуниш давомида доим нимадир тўла айтилмай ёки, умуман, айтилмай қолиб кетади. Бу нарса, айниқса, суҳбат, гаплашиш, умуман, оғзаки мулоқот даврида кўпроқ учрайди. Кўп ҳолларда инсоннинг ҳаёти, ҳаётнинг мазмуни, ғурур, бахт, тақдир каби ҳодисалар билан боғлиқ масалаларда кўп нарса айтилмай қолиб кетади. Чунки улар билан боғлиқ бўлган жиҳатларни баъзан нутқ ифода эта олмайди. Уларга алоқадор ҳис-туйғулар ҳам кўп ҳолларда нутқда ифодаланмайди. Матннинг мазмунини тушуниш давомида бирламчи тушунишнинг моҳияти, бу даврда мавжуд бўлган ижтимоий маданият анъаналари, субъектнинг интеллектуал даражаси, мушоҳадаси ва булар билан бирга, тилга ҳам боғлиқ.

Ҳозирги кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора мураккаблашиб бораётган ва қисман ўз табиийлигини йўқотаётган ҳамда жамиятда ва инсонлар ўртасида маълум маънода бегоналашув ҳодисаси юз бераётган бир вақтда тушуниш муаммосининг маънавий аҳлоқий жиҳатлари ўзгача аҳамият касб этади. Демак, герменевтиканинг вазифаси ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва воқеаларини қайта тасаввур этиш ва англаш, кишиларнинг ички дунёсига ҳурмат ва эътибор билан қарашни шакллантириш билан боғлиқ.

Тушуниш мавжуд матннинг маъносини, яъни бизгача мавжуд бўлган нарсани (анъанани) англашдан ва инсон томонидан унга муносабат билдиришдан бошланади. Инсонни тушунишдан аввалги фикрлари ва матнда берилаётган мазмунга ёндашуви матнни шарҳлашдаги дастлабки қадам ҳисобланади ҳамда асосий омил сифатида унинг талқинини ва таҳлилини ривожлантиради.

Бўшамасин зинхор ёғоч бешигинг
Қулф кўрмасин дарвозаю эшигинг
Йиғилмасин супадаги тўшагинг,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!
(И.Мирзо. Сизни куйлайман,334-б.)

Айнан *ёғоч бешик*нинг бўшамаслиги – серфарзандлилик, *дарвозанинг қулф кўрмаслиг – хотиржамлик, тўшакнинг йиғилмаслиги – меҳмондўстликнинг* белгиларидир. Бу ерда муносабатлар ҳам поғонавий ҳам бутуннинг (менталитетнинг) бўлакларини (айрим унсурларини) таъкидлаш билан аниқланмоқда.

Нутқ гапларнинг, гаплар эса сўзларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топади. Демак, ҳар қандай нутқ бутун ва бўлакнинг шажаравий муносабатидан ташкил топади. Бунда бутунга хос умумий мазмун билан, бўлакка хос хусусий мазмун иштирок этади. [3.28].

Гадамернинг таъкидлашича: «Бир бутун матнни тушуниш унинг таркибидаги сўзлар йиғиндиси асосида тушуниш эмас, у айтилган ахборот яхлитлигидан келиб чиқадиган ҳодисадир»[5.107]

Хуллас, ҳар қандай поэтик нутқ сўзловчи ва тингловчини муносабатга киритади, сўзловчи мақсадининг таҳлили эса тингловчи томонидан амалга оширилган шарҳга, таҳлил объекти бўлган матннинг тушунилиши ҳамда талқинига бориб тақалади. Умуман олганда, фалсафий тушунча ҳисобланган герменевтика тилшунослик, лингвопоэтика, семантика ва бадиий шарҳ масалаларида муҳим ўрин тутади. Герменевтиканинг поэтик матнни тушунишдаги роли катта, бирор муаллиф асарни қай тарзда талқин этиши хусусийлик касб этади, негаки, бир киши томонидан ифодаланади, лекин бирор асар бир неча шарҳловчи томонидан турли хил талқин қилиниши мумкин. Шундан келиб чиқиб, герменевтика ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- бирор шеър ёки насрий асарнинг талқини бир неча шаклда бўлишига қарамай бир моҳият атрофида бирлашади;
- талқин (шарҳ ва таҳлил) сўзловчининг фикридан ҳам кўпроқ тушунча англатиши мумкин;
- талқиннинг вариантлари ичида сўзловчи фикрига номувофиқ тушунча ҳам акс этиши кузатилади;
- таҳлиллар баъзан матннинг давом эттирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – М.: Исскуство, 1991
2. Гадамер Г.Г. Истина и метод: основы философской герменевтики. – М.: Прогресс, 1988
3. Nurmonov A. Ilmiy tadqiqot metodlari va metodologiyasi. – T.: Akademnashr, 2010
4. Қуронов Д.,Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – T.: Akademnashr, 2010
5.Хализев В.Е. Теория литературы. –М.: Высшая школа, 2004

Андижон давлат университети,
2012 йил 30 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)